

УДК: 633.51

**ҒЎЗАДА ЧИЛПИШНИНГ САМАРАДОРЛИГИ****Алланазаров С.Р***қ.х.ф.ф д (PhD), к.и.х***Артикова Г.Ю***1-босқич таянч докторанти ПСУЕАИТИ*

**Аннотация:** *Ғўзада турли муддатларда ва усулларда чилпиш ўтказиб барг сатҳининг ўзгариши, бир дона кўсакдаги пахта вазни ҳамда пахта ҳосилдорлигига таъсири аниқланди. Кимёвий усул билан чилпиш ўтказилганда бир дона кўсакдаги пахта вазни ва пахта ҳосилдорлигининг ошиши кузатилди.*

**Аннотация:** *Выявлено что, при проведении чеканки в разные сроки и разными методами повлияло на изменение листовой поверхности, вес одной коробочки и урожайность хлопчатника. При проведении химической чеканки вес одной коробочки и урожайность хлопчатника повысились.*

**Annotation:** *Is revealed that, at realization of stamping in different terms and different methods has affected change of a sheet surface, weight of one box and productivity cotton. At realization of chemical stamping of weight of one box and productivity cotton have raised.*

Мустақилликка эришган йиллардан бошлаб аҳолини озиқ-овқат билан таъминлаш, айниқса дон экинлардан бири буғдой етказиб бериш давлат дастури даражасидаги кечиктирилиб бўлмас вазифага айлантирилди. Собиқ совет иттифоқи даврида пахта яккаҳоқимлигига айлантирилган барча суғориладиган пахта майдонларининг қарийб тенг ярмига кузги буғдой етиштирила бошлади ва ўз навбатида қисқа ротацияли пахта буғдой алмашлаб экиш тизими йўлга қўйилди.

Қишлоқ хўжалигидаги бундай бурилиш селекционер олимлардан тезпишар ғўза навларини яратишни талаб қилди. Шу боисдан ҳам бугунги кунда селекционер олимлар томонидан анчагина тезпишар, серҳосил ва касалликларга бардошли навлар яратилиб келинмоқда.

Узоқ йиллик илмий изланишлардан маълумки, ҳар бир ўсимликнинг тури ва навларидан келиб чиқиб алоҳида парваришлаш агротехникаси талаб қилинади. Қолаваерса, яратилган янги навларнинг парваришлаш агротадбирларини турли тупроқ-иқлим шароитларида ҳам ишлаб чиқиш муҳим ҳисобланади.

Бугунги кунда ПСУЕАИТИ олимлари томонидан яратилган серҳосил, тезпишар ва ҳар қандай экстремал шароитларга бардошли янги ғўза навларига махсус агротадбирларни ишлаб чиқилмоқда.

Бизга маълумки, ғўзада чеканка, яъни чилпиш ўтказиш бир дона чаноқдаги пахта вазнининг ошишига, кўсакларнинг пишиб етилишининг тезлашишига,

кўсак қуртининг кўпайиб кетишининг олдини олишга ва ғўза ўсимлиги бўйининг ҳаддан ташқари ўсиб кетишининг олдини олишга таъсир кўрсатади.

Бу борада илк бор 1911-1915 йилларда Олшински томонидан иссиқхона шароитида ғўза ўсимлигининг бўйига ўсиб кетишининг олдини олиш мақсадида илмий изланишлар олиб борилган. Бугунги кунда эса бажарилиши муҳим бўлган барча агротадбирлар каби чилпиш ўтказиш ҳам муҳим тадбирлардан бири ҳисобланади [2].

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, илгариги ғўза навларида ҳам чилпиш агротадбирлари бўйича илмий изланишлар олиб борилган бўлиб, шу даврда экилган ғўза навлари кечпишар ҳисобланган ва чилпиш 16-17 ҳосил шохларида ўтказилган. Ҳозирда экилаётган ғўза навларининг аксарият қисми эса ғўза ҳосил шохи 17-18 тага етганда ўсишдан тўхтайдди. Бу эса айнан янги навлар бўйича чилпиш тадбирининг мақбул муддатини ишлаб чиқишни тақозо этади [4].


Шу нуқтаи назардан келиб чиққан ҳолда Тошкент вилоятининг типик бўз тупроқлари шароитида Наврўз ғўза навини парваришлаб, унда 11-12, 13-14, 15-16 ҳосил шохи пайдо бўлганда қўлда чилпиш ўтказиш ва кимёвий усулда чилпиш ўтказиш бўйича илмий изланишлар олиб борилди.

Тажриба ЎЗПИТИ да қабул қилинган “Дала тажрибаларини ўтказиш услублари” (2007) услуби асосида олиб борилди [1].

Ҳар хил чилпиш муддатлари ва усулларида ғўзанинг барг сатҳининг ўзгариши ва ҳосилдорликка таъсири ўрганилиб борилди. Бу бўйича олинган маълумотларга кўра, ғўзани 11-12 ҳосил шохи пайдо бўлганда чилпиш қилинганда ғўза барг сатҳи 2-сентябр ҳолатига келиб ўртача 26760,5 м<sup>2</sup> ни ташкил этган бўлса, бир дона кўсакдаги пахта вазни 4,65 г. ни, пахта ҳосили эса йиллар бўйича ўртача 36,5 ц/га ни ташкил этди.

Чилпиш 13-14 ҳосил шох пайдо бўлганда ўтказилганда ғўза барг сатҳи 27453,9 м<sup>2</sup>/га ни ташкил этиб, бир дона кўсакдаги пахта вазни 4,73 г. ни, умумий ғўза ҳосилдорлиги ўртача 36,3 ц/га га тенг бўлганлиги аниқланди. Ушбу фонда ғўза ҳосилдорлиги биринчи фонга яқин бўлди.

Чилпиш агротадбири 15-16 ҳосил шохда ўтказилганда сентябрь ҳолатига келиб барг сатҳи 28311,6 м<sup>2</sup>/га ни ташкил этганлиги, бир дона кўсакдаги пахта вазни эса 4,66 г. ни, умумий ҳосилдорликнинг ўртачаси 34,4 ц/га га тенг бўлганлиги қайд этилди.



1-расм. Чилпишнинг ғўза барг сатҳига таъсири

Ғўзага кимёвий усул билан чилпиш ўтказилганда, сентябр ойининг бошларида ўтказилган фенологик кузатувлар натижаларига кўра, барг сатҳи 27484,3 м<sup>2</sup>/га ни ташкил этганлиги аниқланди. Шунингдек, ушбу фонда бир дона кўсақдаги пахта вазни 4,75 г. ни, ҳосилдорлик эса ўртача 37,1 ц/га ни ташкил этганлиги аниқланди.

Умуман чилпиш ўтказилмаган фонда ғўзанинг барг сатҳи сентябрь ҳолатига келиб 29479,2 м<sup>2</sup>/га ни ташкил этиб, кимёвий чилпиш ўтказилган фонга нисбатан 1994,9 м<sup>2</sup>/га га кўп бўлганлиги билан ажралиб турган бўлса, бир дона кўсақдаги пахта вазни аксинча камайган ҳолда 4,6 г. га тенг бўлиб, ўртача ҳосилдорлик ҳам шунга монанд 32,8 ц/га ни ташкил этди.

Умуман олганда, барг сатҳининг шаклланиши август ойига қадар барча фонларда бир хил ривожланиб келган бўлса, сентябрь ойига келганда чилпиш ўтказилган фонлар бўйича барг сатҳи турлича бўлганлиги кузатилди (1-расм).

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, фонлар бўйича энг кам пахта ҳосили чилпиш ўтказилмаган майдондан олинган бўлса, энг кўп барг сатҳи айнан ушбу фонда шаклланганлиги маълум бўлди.

М.Тошболтаев (2016) нинг таъкидлашича, ғўзада мақбул муддатда чилпиш ўтказилганда симподиал ва моноподиал шохларнинг ўсишининг тўхтатиши эвазига, озиқа моддаларнинг ўсимлик бўйлаб тарқалиш жараёни ўзгариб, озиқанинг асосий қисми ҳосил элементларига етказилиши аниқланган ва бунинг натижасида пахта ҳосилдорлигининг ошиши кузатилган [3].

Олиб борилган тадқиқот натижаларига кўра, шуни хулоса қилиб айтиш мумкинки, ғўзада кимёвий усулда, яъни Далпикс препарати билан чилпиш ўтказилганда, ҳосил шохларининг компакт ҳолатда ривожланиб, озиқ элементларининг ҳосил шохларидаги барча кўсақларига тенг тақсимланганлиги ҳамда барг саҳининг айнан ғўза фотосинтез интенсивлиги учун мақбул ҳолатда



бўлиб, пахта ҳосилининг барча чилпиш ўтказилган фонларга нисбатан юқори бўлишига олиб келди.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Дала тажрибаларини ўтказиш услублари, ЎзПТИ-Тошкент, 2007.–Б. 145
2. Ольшинский М.А. Беловшин Н.М. Чеканка хлопчатника// Ташкент -1949, с. 3-4.
3. Тошболтаев М. Ғўза тупларига шакл берувчи машинанинг назарияси ва ҳисоби //–Тошкент, 2016. – 215 б.
4. Шайхов Э.Т. ва бошқалар. Пахтачилик.- Тошкент-“Меҳнат”, 1990. – Б.286.